



ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан сиз, азизларни, мухтарам фахрийларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг **“Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қўёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим”** деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам гоҳ муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг бу олижаноб орзу-интилишлари фақатгина мустақиллигимиз туфайли рўёбга чиқди.

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми, деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қондалар янада мустаҳкамлаб қўйилгани бу борадаги сазъ-ҳаракатларимиз бардавом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Аъъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат органлари ва ташкilotлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиклик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкilotлари-

да амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиклик индекси натижалари эълон қилингани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро ахборот маконига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейинги вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадиий китоб ва бошқа адабиётлар чоп этилгани китобсевар халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўлаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга даромад солиғи бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта мадд бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта олазарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз бераётган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсак, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдидли жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайиб бораётганидан кўз юмолмаймиз.

Дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари мубайян сиёсий қўллар қўлида инфоромацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни – қора, қорани – оқ, деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Ахборот маконидagi устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда халқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шартини талаби бўлган ҳолислик, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга қўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар, деб билади.

Биз жамият ҳаётида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бюрократия ва коррупция каби иллатларга қарши курашишда, аввало, сиз ҳурматли журналист ва блогерлар, айниқса, миллий медиа маконимизга янги гоҳ ва

ташаббуслар билан кириб келаётган истеъдодли ёшларимизга таянамиз.

Шу боис кенг миқёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юксак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тайёрланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ва ноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, халқаро муносабатлар сингаи йигирмадан зиёд таълим йўналишлари бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат сирларини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистиксини яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш бундан буюн ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан тайёрланаётган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни қўлтуғ касб байрамингиз ҳамда яқинлашиб келаётган улуг айём – Қурбон ҳайити билан табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, ҳонадонларингизга бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЕЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

2023
9-ИYUL

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар – Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Робохон Махмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Ҳамзаевнинг сайловолди ташвиқоти оид мақолалар чоп этилмоқда.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиклик ва ошкораликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланган жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика йўналишлари учун юксак малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан
Бутаев Шойим Примкулович – «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси муҳаррири
Мирзаёров Уктам Хайруллаевич – «Гулистон» ва «Театр» журналлари бўлим муҳаррири
Нуритдинов Хайрулла Бокиджонович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим катта муассасаси директори

«Дўстлик» ордени билан
Алибекова Жумакул Мауленовна – «Нурлы жол» газетаси масъул котиби
Арипов Махмуджон Мусинович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим катта муҳаррири

Ахроров Мирасрор Мираброрович – «Овози тожик» газетасининг Фаргона ва Андижон вилоятлари бўйича муҳбири
Джунайдуллаева Углой Инатуллаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

Ережов Бахитбай Кенгесбаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг

«Nukus teleradiomarkazi» филиали бош овоз режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси **Садиков Хусанбори Мирганиевич** – «Муштур» журнали бош расоми
Шаметов Бахтиёр Алметович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Toshkent» teleradiokanalі» давлат муассасаси гуруҳ бош режиссёри

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан
Камиллов Сардор Абдурахимович – «Milliy telekanal» масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳаррири ва продюсери
Оманов Муҳиддин Саттарович – «Ўзбекистон нашриёти» давлат унитар корхонасининг болалар ва бадиий адабиётлар тахририяти мудири

Раджабов Дилшод Эсанович – «Мухаррир» нашриёти бош муҳаррири
«Соғлом турмуш» медали билан
Талипжанова Шафоат Манаповна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» teleradiokanalі» давлат муассасаси бош муҳарририяти катта муҳаррири
Файзиев Даврон Ахмеджанович – Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими бошлиги

«Шухрат» медали билан
Абдуназаров Равшан Саттарович – «Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение маркази» давлат унитар корхонасининг Сурхондарё радиотелеузатиш маркази станция етакчи муҳандиси, Сурхондарё вилояти **Ажимуратов Азамат Лепесбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ахборот бўлими бошлиги
Арсенова Жамила Амировна – Зангиота тумани «Истикбол» газетаси муҳбири, Тошкент вилояти

(Давоми 3-саҳифада)

ШУКУҲ

БУТУН ЖАМИЯТИМИЗ УЧУН

қадрли айём



Тошкент вилоятида ҳам Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Бўстонлик туманидаги “Heaven's garden” дам олиш масканида соҳа ходимларининг касб байрамлари муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирга матбуот, ахборот агентликлари, телевидение ва радио, интернет нашрларида фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган соҳа ходимлари, блогерлар, кўп йиллар давомида фидокорона меҳнат қилиб, бугунги кунда кесалик гаштини сураётган фахрий журналистлар ҳамда ёш ижодкорлар тақдиф этилди.

4

Ёшлик
нафосат ва эзгулик
тантанаси



Кунни кеча ёшлар ойлиги муносабати билан Олмалик шаҳрида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги ёшлар сайли ўтказилди.

Унда хилма-хил лойиҳалар – рақс фестивали, спорт мусобақалари, интерактив ўйинлар, “Ош чемпионати”, “Мастер класс” учрашувлар, “Сиз кутган меҳмон”, “Менинг фарзандим – Ўзбекистон фахри!” каби қатор тадбирлар ташкил этилди.

3

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг дастурида Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсади баён этилган.

“Адолат” социал-демократик партияси:

АДОЛАТЛИ КЕЛАЖАКНИ ТАНЛАЙМИЗ!



Мақсадга эришиш йўли нималардан иборат? Улар жамиятимизда қандай ангилқларга, ўзгаришларга йўл очиб беради? Ушбу масалалар, аини пайтда малакали экспертлар томонидан жиддий таҳлил қилиниб, улар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида номзоднинг Сайловолди дастури хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Холидjon КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг офтальмология кафедраси профессори:

– “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робохон Махмудованинг Сайловолди дастури тўртинчи йўналиши соғлиқни сақлаш тизимига бағишланган. Унда, жумладан, **давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликларни давлат томонидан доволашни кенгайтириш** масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу масалаларга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Негаки, фуқароларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражаси такомиллаштирилиши муҳим. Чунки тиббий хизматлар ривожланмаса ва бу иш давлат томонидан амалга оширилмаса, соғлиқни сақлаш тизимида турли мураккабликлар, қийинчиликлар келиб чиқади. Касалликларни доволаш сифати ҳам, фуқароларнинг тиббиёт тизимига ишончи даражаси ҳам пасаяди. Аини пайтда дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш борасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Эътибор беринг, юртимизга ҳар хил дори воситалари кириб келаверса, бу дори воситаларининг аҳоли соғлиғини яхшилаш ўрнига зарарли томонлари мавжуд бўлса, ҳўш, бунга ким жавоб беради? Шундай экан, давлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва дори воситалари рўйхатини давлат томонидан қатъий эътибор билан шакллантириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Дастурда **нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш** масаласи ҳам ўртага ташланган. Бу аини юқоридаги масалани ижобий ҳал қилишнинг яна бир самарали усули ҳисобланади. Чунки тиббиёт ташкилоти бутунлай тижорат ташкилотига айланса, маблаг кетидан қувиш бошланади. Маблаг кетидан қувиш эса соғлиқни сақлаш тизимида аҳволни қийинлаштиради, ижтимоий мақсадлардан тижорий максадлар устун қўйилишига сабаб бўлади. Тизимда турли иллатларнинг юзага келишига омил яратаяди. Шунинг учун ҳам уларни нотижорат ташкилотга айлантириш мақбул йўл қилинади. Бу амалиёт Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган давлатлар тажрибасига тўла мос келади.

Дастурда оғир касалликларни давлат томонидан доволашни кенгайтириш масаласи ҳам тўғри қўйилган, деб ҳисоблайман. Чунки шундай касалликлар борки, улардан фориғ бўлиш учун ҳар қандай фуқаро ёки оиланинг имконияти, кучи етавермайди. Баъзан эса жамиятда эпидемия ёки пандемияни юзага келтирадиган касалликлар пайдо бўлади. Бу эса ўз-ўзидан оғир касалликларни ва пандемия туфайли юзага келган асоратли касалликларни доволашда давлатнинг фаолиятини кенгайтиришни талаб қилади. Қолаверса, аҳолининг кафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиш масаласи янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ўз аксини топанки, бу номзоднинг дастуридаги аини масалада ҳам ифодаланган.

Сайловолди дастуридаги **фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортдан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга таъсир кўрсатиш юқорилагани, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмоли бўйича етакчи ўринларда экани** ҳақидаги фикрлар ҳам ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Афсуски, бундай салбий ҳолатлар ҳаётимизда



ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

мавжуд ва уларни бартараф этиш зарур. Ахир бундай келишувлар оқибатида фуқароларнинг қанчадан-қанча маблаглари кўкка совурилади, энг ачинарлиси, фуқароларимизнинг соғлиғига зиён етади. Шунинг учун ҳам номзод ўз Сайловолди дастурида **дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш** масаласини ўртага қўяди. Бу орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасини, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги яширин келишувларни ҳамда дорилар нархининг асосиз оширилишини бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига мувофиқлаштириш ва шу асосда **“Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси”** лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласи дастулдаги асосий йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Номзод дастуридаги яна бир муҳим масала, мамлакатимизда **“ақлли тиббиёт”** тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш билан боғлиқ. Зеро, бугунги кунда дунё тиббиётининг илғор усуллари билан танишиш, хорижий давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларидан самарали фойдаланиш, аҳолиимизнинг соғлиғини янада яхшилаш учун “ақлли тиббиёт”дан, телемедицинадан, замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш ҳаётий заруратга айланган. Бу эса бугунги ислохотларимизнинг, аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли, дастулдаги бундай ғояларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари доктори:

– Янгиланган Конституциямизнинг 52-моддасида **давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилади**, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатади, деган норма белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, “Адолат” СДП номзоди ўз Сайловолди дастурида **ўқитувчининг обрў-эътибори – бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори** эканига алоҳида урғу бермоқда. Партия ҳам ўз электратининг салмоқли қисмини ташкил этган педагог ходимларнинг нуфузини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни кўриш тарафдори. Шу мақсадда **ўқитувчининг мақомига оид қонуннинг тез фурсатда қабул қилиниши** номзоднинг дастурида устувор масала сифатида эътироф этилган.

Маълумки, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши, энг аввало, замонавий илғор технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Замонавий илғор технологияларни ҳаётга татбиқ этиш учун эса таълим, илм-фан, инновацияларни ривожлантириш талаб этилади. Шунинг учун дастурда **фан – таълим – ишлаб чиқариш** тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш масаласи замонавий илғор технологияларни юзага келтиришнинг асоси сифатида белгиланади.

Ҳаммамизга аёнки, ҳар қандай жамиятда таълимни ривожлантирмасдан туриб, илм-фан соҳасида янгиликларни яратиб бўлмайди. Илм-фан соҳасида янгиликлар бўлмаса, инновацияни юксалтириш, янги технологиялар яратиш қийин кечади. Буларсиз эса жамият тараққиёти юзага келмайди. Шу сабабли номзод дастурида таълим, илм-фан, инновацияни янада ривожлантириш масаласини кундалик ҳаётимизнинг асосий вазифаларидан бири, деб белгилайди. Нафақат белгилайди, балки таълим, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш пировард мақсад – адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий омилли, деб қарайди.

Бугунги кунда таълим тизими ва илм-фан ўртасида, илм-фан билан инновация ўртасида узвий боғланишлар, ҳамкорликлар қутилганидек натижа бермоқда, деб айта олмаيمиз. Шу билан бирга, олимларнинг илмий ва инновацион ишланмаларини тижоратлаштириш, яъни уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш даражаси юқори эмас. Бошқача айтганда, илм-фан янгиликлари билан саноат, ишлаб чиқариш ўртасида узилиш мавжуд. Яратилаётган илм-фан кашфиётлари, ихтироларини ҳаётга татбиқ этиш ишларини жаддаллаштириш лозим.

Бу даражани юксалтириш учун номзод дастурида яна бир жараёнга – иқтисодиётнинг ҳақиқий драйвери бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратади. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу соҳалардаги аксарият илғор фикрлар, ғоялар, ихтиро ва кашфиётлар айнаш шу соҳалар вакилларининг фаолияти туфайли юзага келади.

Номзод дастурида эътиборни мактаб таълимини халққаро таълим дастурулари асосида изчил ислох қилиш жараёнига ҳам қаратади. Бунинг сабаби аниқ, чунки илм-фаннинг, инновацион янгиликларнинг асоси биринчи навбатда, халқ таълими, мактабларда ўқитиш тизимини яхшилашдан бошланади. Яъни ҳамма нарса таълим дастуруларидан бошланади.

«Яшил тараққиёт учун!»

ЭНГ МУҲИМ ВА ОҚИЛОНА ЕЧИМ – ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш йўналишида муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.**



Номзод томонидан таклиф этилаётган аниқ йўналишлар бугунги экологик вазият ҳамда глобал миқёсдаги атроф-муҳит муаммолари ечими нуқтаи назаридан конструктив ечимларни ифодалайди. Мамлакатимизда яшаётган **ҳар бир инсоннинг қулай атроф муҳит шароитларида яшаш ҳуқуқини** таъминлаш учун давлат томонидан қўйилиши керак бўлган аниқ қадамларни кўзда тутади.

Қулай яшаш учун қулай атроф-муҳит зарур

Миллат генофондининг тоза ва соғлом бўлиши, соғлом она ва соғлом бола тамойилига эришиш, хавфли экологик таъсирлар оқибатида юзага келадиган хасталикларнинг олдини олиш, қисқача айтганда, соғлом ва фаровон келажак орузи ҳам бевосита барқарор экологик вазият билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида қишлоқ ҳўжалигида турли зарарли кимёвий таркиблардан холи бўлган **табиий тоза маҳсулотлар етиштиришга** алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бунинг учун сув, тупроқ ва ўсимлик дунёси учун хавфсиз

лаб миллиард доллар молия воситалари айланмасига эга бўлган катта бизнесга айланиб улғурган. Хитой импортида четдан келтирилаётган қичинди ҳажми ошиб бораётгани ҳам шундан.

Сайловолди дастурида қичиндилар билан боғлиқ яна бир муаммога ечим таклиф этиляпти. Унга кўра, мамлакатда полиэтилен, полиамид таркибли қадоклаш маҳсулотлари, **бир марталик ишлатиладиган пластик ва бошқа идишлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечишга** утилади.

Хавфли қичиндилар, тиббиёт ва биологик ҳамда қурилиш қичиндиларини бошқариш ва қайта ишлашни тартибга солувчи ҳамда атроф-муҳитга зарар етказувчи қадоклаш материаллари ва товарларга экологик йиғимнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб берувчи **«Қичиндилар тўғрисида»ги қонун** янги тахрирда қабул қилинади.

Табиий мувозанатнинг ноёб занжири

Биохилма-хиллик ва экотизим мувозанати она табиатдаги ноёб барқарорликни сақлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Аини вақтда биологик хилма-хиллик мам-



табиий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ғояси илгари суриляпти.

Қишлоқ ҳўжалигидаги маиший экинларни зараркунадалардан асраш мақсадида фойдаланиладиган захарли кимёвий воситалар борлиққа комплекс зарар келтириши илмий жиҳатдан ўз исботини топан, тахрибадан ўтган ҳодисадир. Илмий кузатишлар шундан далолат берадики, гени модификация қилинган маҳсулотлар, зарарли кимёвий воситалар **аҳолининг соғлом овқатланиш тарзига** мутлақо тескари ҳолатдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Экологик партиясидан Президентликка номзод Абдушукур Ҳамзаев табиатунос, ботаник ва биолог олимлар корпусини шакллантирган ҳолда, аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлашда биринчи навбатда табиий тоза маҳсулотлар билан озикланиш дастури ҳаётга жорий этилиши тарафдори-дир.

Қичиндилар хавфсиз қайта ишланади

Номзоднинг Сайловолди дастурий мақсадларидан бири – **саноат корхоналари қичиндилари ва қаттиқ маиший қичиндиларни қайта ишлаш** орқали атроф муҳит мусоффолигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг нақадар долзарб экани қуйидаги рақамларда ҳам аққол кўринади: мамлакатимизда саноат корхоналарида йилига ўртача **115-120 миллион тонна** саноат қичиндилари ҳосил бўлмоқда ва ҳозирги вақтда полигонларда **3,5 миллиард тоннага** яқин аини шу турдаги қичиндилар йиғилиб қолган.

Сайловолди дастурида мазкур ўткир экологик муаммога ечим сифатида бундай турдаги **қичиндиларни хавфсиз олиб чиқиб кетиш бўйича техник воситалар билан жишлош талабларини кучайтириш** таклиф этилмоқда.

Қичиндилар билан боғлиқ муаммони ечишнинг хорижда синалган усул ва механизмлари бор. Асосийси – қичиндини қайта ишлаш. Бу эса қичиндини саралаш масаласига бориб тақалади.

Сўнгги йилларда соҳани тартибга солишга қаратилган сайё-ҳаракатлар натижасида қичинди ташланадиган жойлар анча тартибга солинди. Лекин ҳали қилиниши керак бўлган ишлар бисёр. Мисол учун, Европада бу масала билан ўтган асрнинг 80-йилларидан жиддий шуғулланишга киришилган. Германия бугун маиший қичиндиларнинг **70 фоизини** қайта ишлайди. Японияда эса бу кўрсаткич **90 фоизни** ташкил қилади.

Бу давлатларда иккиламчи қайта ишлаш саноати ўн-

лакатимизда иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлашга оид ва маданий фаровонлиқнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Табиатимиз биологик хилма-хиллиги бой бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг **27 мингдан** ортиқ турларни ўз ичига олади. Улар орасида умуртқасиз ҳайвонларнинг **14 минг 900 тури**, умуртқали ҳайвонларнинг эса **715 тури** учрайди. Шунингдек, **11 минг** турдаги ўсимликлар, кўзқоринлар, сув ўтлари бор. Бундан ташқари, юқори ёввойи ўсимликларнинг **4300 тури** бўлиб, улардан **8 фоизи** эндемик турлардир.

Бугун айрим ноёб турлар ва экологик тизимлар йўқ бўлиб кетиш хавфи остида. Жумладан, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси объектларининг яшаш муҳитига антропоген таъсир натижасида у ердаги **ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари тури қисқариб** бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида **ҳайвонот дунёсининг 206 ва ўсимлик дунёсининг 314** турлари киритилган.

Номзоднинг Сайловолди дастурида бу каби муаммоларни бартараф этиш йўллари таклиф этилмоқда. Дастурга кўра, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва сувли акваториясида уларнинг **мақсадли вазифаларига зид бўлган ҳар қандай фаолиятга чек қўйилади**. Камёб ва кескин камайиш хавфи остида турган **ҳайвонларни овлаш ва ўсимлик турларини табиатдан ажратиб олишга 10 йиллик мораторий** эълон қилинади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш

Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида табиатнинг бебаҳо неъматли бўлган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг тоза ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ечими юзасидан ҳам аниқ таклифлар илгари сурилмоқда.

Аҳолининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, янги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш объектларининг ишга туширилаётгани, тураржойлар кенгаётгани **сувга бўлган табиий эҳтиёжнинг ҳам мувофиқ равишда ўсиб боришини** кўрсатмоқда. Мавжуд вазият **ичимлик сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш механизминини яратишни** кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида олдимизга қўймоқда.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робохон Махмудовага овоз беринг!

Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевга овоз беринг!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ахмедов Иброҳим Раҳимович — «Гранд» радиостанцияси бош муҳаррири ва бошловчиси
Ахмедов Қобулжон Холиқович — «Mening yurtim» телеканали бош директори

Воҳидов Журъат Самандарович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Бухоро вилояти телерадиокомпанияси монтажчиси

Давлетова Нозимахон Элдоровна — Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори

Жўраев Олим Эргашевич — Бухоро вилояти ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби

Исмаилов Музаффар Абдуллаевич — «Daryo.uz» веб-сайти раҳбари

Кайсаров Тимур Адихамович — «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти масъул котиби

Кенжаев Руслан Алишерович — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррирининг уринбосари

Қосимова Нориниса Эргашевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими бош мутахассиси

Мадумарова Бахрисна Тўхтасин қизи — «Zamop.uz» веб-сайти бош муҳаррирининг уринбосари

Мазитов Абдураим Маликович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи ишчиси

Мамиров Суюндик Махамматович — Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси бош мутахассиси

Муминов Эргаш Абдумигатович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbektelefilm» давлат муассасаси саҳналаштирувчи кинорежиссёри

Насирова Иродахон Хусановна — «Zo'r TV» телеканалнинг продюсери ва бошловчиси

Отабоева Гулнора Хосилжоновна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси «Аспр» студияси сиёсий шарҳловчиси

Расулов Баҳодир Бахтиёрович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали телеоператори

Раҳимова Раъно Мирфазилловна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали давлат муассасаси суҳбатдони

Раҳимходжаев Зайниддин Хусниддинович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси

Ризаев Акбар Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

Рузиева Фазила Мухторовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ихтисослашган фонд ва мажбурий нусхаларни сақлаш хизмати раҳбари

Саидов Икром Туляганович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Махсус автотокорхона» давлат муассасаси ҳайдовчиси

Тошнйазова Гулмира Хусановна — «Kip.uz» веб-сайтининг Тошкент шаҳри бўйича муҳбири

Умаров Дилшод Содикович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo bo'ylab» telekanali давлат муассасаси эфирга узатиш бўлими бош режиссёри

Уринбаева Севара Кучкаралиевна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари — жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

Хайтакунов Шукур Джалилович — Жалақудук тумани «Жалақудук ҳаёти» газетаси муҳаррири, Андижон вилояти

Шодиева Лолажон Озодовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» радиоканали режиссёрлар бўлими бош режиссёри

Яхшибоева Озода Абдужалоловна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 26 июнь



Шунингдек, Олмалик шаҳар Ахборот кутубхона марказида “Янги уйғониш даври — китоб ва кутубхонадан бошланади” мавзусида шоир ва ёзувчилар иштирокида маънавий-маърифий учрашувлар ташкиллаштирилди. “Маърифат тур” лойиҳаси асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг “Парпи ота” зиёратгоҳига саёҳати уюштирилди.

Фестивалда “Болажон” паркида инклюзив таълим бурчаги, “Конституция билимдони”, ҳарбий ёшлар билан мотивацион учрашувлар, 100 нафар рассом иштирокида

“Ёш рассомлар” кўргазмалари, “Зукко китобхон”, “Китобхонлик викторинаси” ҳам ўтказилди. Мазкур тадбирларга ҳудудлардан 50 минг нафардан ортиқ ёшлар жалб этилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, барча туман-шаҳарлардан “Ёшлар дафтари”га киритилган ўғил-қизлар шулар жумласидандир.

Ёшлар фестивали оқшомида эстрада юлдузлари иштирокида шоу-концерт бўлиб ўтди. Фестивалда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Нигора ЭРКИНБОЕВА



«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этди!

Аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Қўнраб қишлоғи, “Қўнраб Оазис” СИУ ҳудудида жами 11,54 Га., шундан бир қисми, яъни 8,54 Га. ер майдонида, 4238, 4241, 4240, 4239-контурларида жойлашган 1130 дона гилос ва 780 дона олма дарахтларидан иборат “Бўғзор”, бошлангич баҳоси — 76 380 125 сўм; 2. Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Қўнраб қишлоғи, “Қўнраб Оазис” СИУ ҳудудида жами 11,54 Га., шундан бир қисми, яъни 3,0 Га. ер майдонида, 4243, 4242к- контурларида жойлашган 1120 дона гилос кўп йиллик дарахтларидан иборат “Бўғзор”, бошлангич баҳоси — 31 801 390 сўм; 3. Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Қўнраб қишлоғи, “Қўнраб Оазис” СИУ ҳудудида жами 4,27 Га. ер майдонида жойлашган 745 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат “Бўғзор”, бошлангич баҳоси — 44 447 090 сўм; 4. Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Дўрмон ҚФЙ ҳудудида жами 2,46 Га. ер майдонида жойлашган 363 дона кўп йиллик дов-дарахтлардан иборат “Бўғзор”, бошлангич баҳоси — 18 740 105 сўм.

Аукцион савдоси 2023 йил 28 июль куни соат 11:00 да Тошкент юртимизда матбуот ва сўз эркинлиги учун берилаётган эътибордан мамнунмиз. Бундай имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга интиламиз.

Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ, “Чиноз ҳаёти” газетаси бош муҳаррири

Бугунги журналистика — ёшлар нигоҳида Кўнгилга йўл

Ахборотдаги тезкорлик, таҳлиллардаги ҳолислик, чуқур мушоҳада — буларнинг барчасида сўз юки, масъулияти муҳассам. Ҳар кун мана шундай шарафли вазифани бажариб келаётган соҳа ходимлари борки, уларсиз жамият ривожини тасаввур қилиш қийин. Шубҳасиз, бу оммавий ахборот воситалари ходимларидир. Ҳўш, бугунги журналистика ёшлар тасаввурида қандай намоён бўлмоқда?



Замонни шиддат билан юриб кетаётган поездга қиёсласак, журналистлар ана шу поезд вағони билан ёнма-ён ҳаракатланаётган соҳа вакиллари. Бугунги давр журналистлардан тезкорлик, шиддат ва шиқоат талаб қилади. Ўз устида ишлаган, дангасаликка берилган соҳа вакиллари замон аталмиш “вагон”дан ортда қолиб кетаверди. Бугунги кун билан кечаги журналистикасини солштирсак, осмон билан ерча фарқ бор. Бугун ме-

диа бозорида рақобат кучли, қолаверса, одамларнинг ҳам ахборот истеъмолига бўлган диди ва савияси юксалган. Медиа майдони ҳар дақиқада кенгаймоқда. Ҳар соатда ижтимоий тармоқларда янги саҳифалар, платформалар пайдо бўлмоқда. Қолаверса, контент турлари ҳам кўпайиб кетяпти. Ўз устида ишлаган, янги билимларни эгалламаган соҳа вакиллари янги ва замонавий контент тайёрлашни ҳам эпполмайди. Натижада, ижодкор

сифатида одамларнинг кўнглидан жой ололмайди, ҳатто назардан қолиши ҳам мумкин. Шундай экан, журналист сифатида замондан ортда қолмайлик, аксинча, бир қадам олдинда юрайлик.

Шоира ТўЛАГАНОВА,
“Оҳангарон ҳаёти” газетаси
бош муҳаррири

Газеталар ўзгариши, давр ва замонга мослашиши лозим. “Миллий тикланиш”, “Адабиёт зиёси”, “Китоб дунёси”, “Хуррият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарининг, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Маънавий ҳаёт”, “Шарқ юлдузи” журналларининг ҳар бир сони қўлимга етиб келади.

Гап фақат ахборот тарқатишда эмас...

Ҳамкасбларнинг фаолиятини кузатиб бориш учун Тошкент вилоятидаги деярли барча газеталарни, марказий нашрларни кузатиб бораман. Таассуфки, кўнгил тўлмайди. Матбуотни давр кўзгусига қиёслашди. Ҳозир қайси босма оммавий ахборот воситасини давримизнинг кўзгуси, дейиш мумкин? Қўлимдаги газета-журналларнинг айримларини айта оламан, ҳолос. Шунда ҳам бир қўлимнинг бармоқлари ортиб қолади. Матбуотни матбуотчиларнинг ўзлари изоҳ қилишлари лозим.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошида Журналистларни қайта тайёрлаш маркази борлигини эшитган эдим. Лекин қани у марказ? Қерда? Сония сайин дунёнинг манзараси ўзгариб турибди. Бундай вазиятда, айниқса, чекка-чекка ҳудудлардаги журналистларнинг малакасини ошириш ҳақида ўйлаш керак эмасми?

Матбуот тарихда қолади, дейишди. Ҳўп, тарихда қолиши кундай равшан. Аммо тарихда нима қолаётгани муҳим эмасми, бунга аҳамият қаратмаймизми?

Қарийб олти йилдан бери матбуот нонини тотиб келаётган ходим сифатида газетага жоним ачиганидан айта ола-



Сўз айтмоқ масъулияти

Бугун юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар биз, журналистлардан ҳолислик ва масъулиятни талаб этмоқда. Боиси ахборотлар тезкор, оқим жуда катта. Уларнинг ичида ростни ҳам, ҳақиқатга тўғри келмайдигани ҳам бор. Бу жараёнда журналист ҳар доимгидан ҳушёр бўлиши керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида сўз ва матбуот эркинлиги йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Газета ва журналларда ҳамкасб дўстларимизнинг танқидий-таҳлилий мақолалари кўпайиб, самарали меҳнат қилишлари учун зарур шароитлар таъминланмоқда.

Мен бир неча йиллардан буён журналистлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқдаман. Даставвал, мусахҳиш вазифасида, кейинчалик муҳбир, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида фаолият юритдим. 2022 йилнинг август ойида “Чиноз ҳаёти” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири вазифасига тайинландим. Бугун ёзганларимиз матбуотда эркин ва ҳолис чоп этилмоқда. Ижодий ходимларимиз танқидий чиқишлари



учун тазйиққа учраётгани йўқ. Улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билдилар.

“Чиноз ҳаёти” газетаси ҳозирда 3510 нусхада чоп этилиб, қизиқарли мақола ва ижодий чиқишлар асосида га-зетхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

“Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин, эрксиз матбуот фақат ёмон бўлади”, — деган эди француз ёзувчиси Альбер Камю. Бугун юртимизда матбуот ва сўз эркинлиги учун берилаётган эътибордан мамнунмиз. Бундай имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга интиламиз.

Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ,
“Чиноз ҳаёти” газетаси бош муҳаррири

